Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 32 (483) 2021 йил 27 апрель, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# УЙ-ЖОЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 апрель куни
кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 37 минг 402 та кўп қаватли уй, уларда 1 миллион 300 мингдан ортиқ хонадон бор. Бу уйларнинг 68 фоизига ширкатлар, 24 фоизига бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади, 8 фоиз уйлар эса мулкдорлар томонидан умуман бошқарилмайди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари 4 минг 430 та бўлиб, шундан атиги 1 минг 350 таси ёки 30 фоизи яхши ишлайди, холос. Қолгани ўрта ва оғир шароитда. Ўрганишларда аниқланишича, тўловлар бўйича тарифларнинг норентабеллиги, ҳисоб-китобларнинг шаффоф эмаслиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг эскиргани муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кўп ширкатлар ўз вазифасини бажармайди, бунинг учун уларда кадрлар етишмайди. Оқибатда хонадон эгаларининг ширкат ва бошқарув компанияларига ишончи йўқолган. Бадалларнинг тўлиқ йиғилмаслиги туфайли дебиторлик қарздорлиги ошиб кетган.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйларда яшовчи одамларни қийнаб келаётган бу масалага эътибор қаратиб, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича мутасаддилар олдига вазифа қўйган эди.

Шунга мувофиқ, чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда жойларга чиқилиб, аҳоли ва ширкатлар вакиллари билан фикрлашилиб, муаммолар чуқур ўрганилди. Хориж тажрибаси асосида кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида Кўп квартирали турар жой фондини таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш, уни 35 фоиз республика бюджети, 35 фоиз маҳаллий бюджет ва қолган 30 фоизини мулкдорлар тўловидан жамғариладиган маблағлар ҳисобидан шакллантириш режалаштирилган.

Ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бошқарув ташкилотлари ва ширкатларнинг электрон реестрини юритиш, ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида шахсий ҳисобрақам очиш, уйнинг хизмат кўрсатиш ҳудудини аниқ белгилаш, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларга биллинг тизимини жорий қилиш мўлжалланган.

Шунингдек, янги кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилганидан кейин икки йил мобайнида қурувчи ташкилот бошқарувида бўлишини белгилаш, турар жойларни сақлаш ва ундан техник фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам талаб этилмоқда. Бошқарув компаниялари ва ширкатлар ходимларини ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев соҳани тубдан такомиллаштириб, хизмат кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратиш юзасидан топшириқлар берди. Кўп қаватли уйларни қуришдан олдин хизмат кўрсатишни ўйлаш, турар жойлар фонди ва ҳудудини оқилона сақлаш кераклигини таъкидлади.

Таъмирланадиган уй-жойлар қамровини кенгайтириш, бошқарув компаниялари ва ширкатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Молия вазирлигига белгиланган чора-тадбирлар учун маблағ ажратиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**



Сурат president.uz сайтидан олинди.

## Шу куннинг гаплари

Сурхондарё вилоятида Нидерландия компанияси қуввати **1560 МВт** бўлган иссиқлик электр станциясини қуради. Умумий қиймати **1,2 млрд** долларлик лойиҳа 2024 йилда ишга тушади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Хива шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига кўра, шаҳарни ривожлантириш учун **5 млрд** сўм ажратилади.

Корея компанияси Қўқон шаҳрида **"K–Town"** мажмуасини қуради. Янги лойиҳадан 9-16 қаватли уйлар, мактаб, боғча, парк, яшил майдон ўрин олиб, қурилиш ишлари шу йил августдан бошланади.

Самарқанд шаҳридаги А. Навоий хиёбони кўчасида бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу жойдаги ерости ўтиш йўли 2004 йилда кўмиб ташланганди. Қайта очилган йўл замонавий таъмирланяпти.

Бухорода беш юлдузли меҳмонхона қуришга доир битим имзоланди. Шу йилнинг тўртинчи чорагида амалга ошириладиган бу лойиҳа **14 млн** долларга тенг бўлиб, 224 та хона, 450 ўринга мўлжалланган.

# "Шаффоф қурилиш" тизими амалда

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш", хусусан, "Қурилишдаги назорат" ахборот тизими ҳақида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ташкил этилган брифингда маълумотлар берилди.**

Мазкур платформа таркибида қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида "Қурилишдаги назорат" ахборот тизими ҳам йўлга қўйилди.

– Биринчи босқичда тизим Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудларида синов тариқасида ишга туширилиб, Инвестиция дастури доирасидаги қурилиши тугалланмаган ижтимоий соҳа объектлари ҳақидаги маълумотлар шакллантирилди, – деди Қурилиш вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Рамзиддин Эгамбердиев. – Объектларда қурилиш-монтаж ишларини назорат қилишда инспекторлар 266 та замонавий планшет қурилмалари билан таъминланди. 2020 йил октябрдан бошлаб тест режимида барча ҳудудларда тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Брифингда таъкидланидек, ҳозирда республикамиз бўйича 13 400 дан зиёд буюртмачиларнинг техник назоратчилари, 4 500 га яқин муаллифлик назорати ва 15 000 дан ортиқ пудратчиларнинг ички назоратчилари рўйхатдан ўтган бўлиб, 33 000 дан кўпроқ иштирокчилар орқали тизимли назорат ўрнатиш функционал имкониятлари мавжуд. Тизимнинг эътиборли жиҳати ҳудудий инспекторлар масофадан туриб онлайн тарзда буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотларининг техник назоратчилари фаолиятини назорат ҳамда мониторинг қилиш имкониятига эга.

2021 йил 1 январдан бошлаб "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими қурилиш сифатини назорат қилиш бўйича реал вақт режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий қилинди. Ҳудудий инспекторлар томонидан назорат ишлари анъанавий қоғоз шаклидан электрон шаклга ўтказилиб, ҳозирги кунда республика бўйича 16 400 дан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари тугалланмаган объектлар тизимида рўйхатга олинган ва назорат ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудий инспекторлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун планшет иловаси ёрдамида тизим иштирокчисига электрон шаклда ёзма кўрсатмалар юборилади.

– Ҳозирда Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази томонидан "Қурилишдаги назорат" ахборот тизимининг 3 та версияси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган, – деди Рамзиддин Эгамбердиев. – Унда ҳудудий инспекторларга планшетда андроид версияси, ҳудудий инспекция ходимларининг шахсий компьютерлари учун веб версия ва тизимнинг қолган иштирокчилари, жумладан, буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотининг ички назоратчилари учун мобил версиялар ишга туширилган.

Жорий йилдан тизим тўлиқ реал режимда ишга туширилгач, ҳудудий инспекторлар томонидан аниқланган муаммоларни тизимли ечиш мақсадида ҳар бир ҳудудий инспекцияларда реал бизнес реинжиниринг ўрганишлар ўтказилади. Бу борада 300 дан зиёд таклифлар эшитилди. Улардан 86 таси инобатга олиниб, шу аснода Инспекциянинг чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Хозирги пайтда Марказ томонидан тизимни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айни кунда тизим онлайн ва офлайн режимда фаолият олиб боряпти.

# Мирзачўлда Космонавтика музейи очилди

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида Ўзбекистонга Россия Федерацияси Давлат думаси мудофаа масалалари бўйича қўмитаси раиси, Россия қаҳрамонлари ассоциацияси президенти Владимир Шаманов бошчилигидаги делегациянинг ташрифи бошланган эди.**








Бундан 60 йил муқаддам собиқ Совет Иттифоқи фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин "Восток" космик кемасида дунёда биринчи бўлиб Ер орбитаси бўйлаб парвоз қилган ва инсониятнинг фазони ўрганиш тарихида янги даврни бошлаб берган эди. Ушбу сана муносабати билан Жиззах вилоятининг Гагарин шаҳрида космонавтика музейи барпо этилди.

Мирзачўл тумани маркази коинотга илк парвоз қилган инсон Юрий Гагарин номи билан аталиши, бу ерда унга маҳобатли ҳайкал қўйилганининг тарихий асослари бор. Ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ иттифоқ учун Мирзачўлни ўзлаштириш аҳамияти космосни ўзлаштиришга қиёсланиб, чўлда илк барпо этилган шаҳарча жаҳоннинг биринчи фазогири номи билан аталган эди. Гагарин шаҳрида туман маданият маркази учун икки қаватли замонавий бино барпо этилиб, унда ўлкашунослик ва космонавтика музейи ташкил этилди. Музей ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг космонавтика бўйича билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масканда космонавтика ютуқлари, унда Ўзбекистоннинг ҳиссаси, Мирзо Улуғбек, Беруний каби буюк алломаларнинг фалакиёт илми тараққиётидаги ўрнига бағишланган бўлимлар ташкил этилди. Бу ерга қўйилган турли экспонатлар кишига космосни ўзлаштириш тўғрисида бой таассурот қолдиради.

– Коинотга илк парвозни амалга оширган Юрий Гагарин жасорати космонавтика фанининг буюк ютуғи сифатида тарихда мангу қолади, – дейди делегация раҳбари Владимир Шаманов. – Космонавтика тарихидаги бу ютуқ барчамиз учун қадрли. Ўзбекистонда Гагарин номи билан аталувчи обод шаҳар борлиги, бугун бу шаҳарда космонавтика музейи очилиши мамлакатда илм-фан тараққиётига берилаётган катта эътиборнинг ифодасидир.

Россиялик меҳмонлар ва тадбирнинг бошқа иштирокчилари музей фаолияти, кўргазма заллари билан танишиб, ўзлари ҳам янги экспонатлар тақдим этишди. Владимир Шаманов музейга Юрий Гагариннинг бир неча суратлари, Солижон Шарипов космосга парвозида орбитага олиб чиққан ўзбек дўпписини совға қилди.

"Обод қишлоқ" дастури – амалда

# 654 та маҳалла кўрк очади

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти маҳалла, оила билан узвий боғлиқ. Шундай экан маҳалла обод, хонадонлар тинч, маҳалладошлар аҳил-иноқ бўлса, турмуш янада файзли ва фаровон бўлади. Аслида халқимизга хос миллий ўзликни ифодаловчи урф-одатлар, анъаналарни авайлаб-асрашда маҳалланинг муҳим ўрни бор.**

Кейинги йилларда Тошкент вилоятида ҳам маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, оилаларда ижтимоий-соғлом муҳитни яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Ҳозир вилоятда жами 1 минг 48 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 654 тасида кенг миқёсли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жойлардаги 133 та маҳалла аҳолининг долзарб муаммолари йиғилиб қолган оғир ҳудудлар тоифасига киритилди.

2-бет

Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 7-моддаси нима ҳақида?



**7-модда.** Идоравий қурилиш нормалари

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида идоравий қурилиш нормаларидан фойдаланилиши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар бир вазирлик, давлат қўмитаси ва идора доирасида қўлланилиши мумкин бўлган идоравий қурилиш нормаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқиши, тасдиқлаши, қайта кўриб чиқиши ёки бекор қилиши мумкин.

Идоравий қурилиш нормалари шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаслиги керак.

Идоравий қурилиш нормалари тасдиқланишидан олдин шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи билан келишиб олинади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№32 (483) 2021 йил 27 апрель

# Модернизация – тараққиёт омили

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Маълумки, бошқа ресурслар каби электр қурилма ва жиҳозлари ҳам модернизация-реконструкция ишларини талаб этади. Шу сабаб соҳада охирги 3-4 йилда йирик инвестицион лойиҳалар ҳисобига иссиқлик электр станцияларидан тортиб юқори ва паст кучланишли подстанцияларгача эскилари янгиланиб, янгилари қурилмоқда, мавжудларининг қуввати оширилмоқда.**

Эътиборлиси, энергоресурсларга талаб ортиб бораётган ҳудудларда ривожланиш, кичик ва ўрта бизнес кўламининг кенгайиши, аҳоли сони ортиши билан истеъмолчилар салмоғи ошиши аниқ. Қашқадарё вилояти ана шундай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу сабаб воҳада истеъмолчиларнинг талабини қондириш йўлида кўпгина ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Шаҳрисабз тумани, Кеш даҳасида 220 кВли Амир Темур подстанциясига 125 МВА қувватга эга трансформатор ўрнатилиб, ҳозирда ишга тушириш учун синов ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа амалга ошиши билан туманнинг электр таъминоти ишончлилиги ортади, вилоят электр таъминотида эса турли носозликларнинг олди олинади.

Бундан ташқари, мазкур подстанция туманда қурилаётган янги цемент заводи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий электр таъминоти манбаига айланади. Шунингдек, у Китоб, Чироқчи ва Қамаши туманлари истеъмолчиларининг электр таъминоти яхшиланишига хизмат қилади.



**Суратда:** қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган “Бунёдкор” йўлдош шаҳарчасининг макети. **Муаллиф олган сурат.**

# Пакананикларга кўп қаватли уйлар

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Пакана – Қувасой шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири. Унинг ҳудудида “Бунёдкор” йўлдош шаҳарчасини барпо этиш учун 20 гектар ер майдони танланган. Мазкур ҳудудда “Қувасой қурилиш кластери” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.**

Бош режага кўра, қурилиш учун ажратилган 2,87 гектарда кўп қаватли турар жой бинолари, поликлиника, шифохона, 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 720 ўринли умумтаълим мактаби ва бошқа инфратузилма объектлари, шунингдек, 13,8 гектарда ободонлаштириш майдони қурилади.

Бундан ташқари шаҳарчада 4 ва 5 қаватли ҳамда 7 қаватли турар жой бинолари қуриш режалаштирилган бўлиб, уйлар ўртасида йўл ва йўлаклар, дам олиш жойлари, автотураргоҳ, болалар майдончалари ҳам бунёд этилади. Шаҳарчада 11 та кўп қаватли уйлар хусусий сектор томонидан ҳамда 30 та кўп қаватли уйлар якка тартибдаги тадбиркор томонидан қурилмоқда.

# Ўзибўларчиликларнинг оқибати фожиага сабаб бўлди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Халқимизда “Кўза кунда эмас, кунида синади” деган гап кўп бор исботланган. Лекин инсон кўпинча бундан тегишли хулоса чиқармайди. Наманган шаҳридаги “Azizbek avtogaz servis” МЧЖ раҳбарларига ҳам бу гап тааллуқл илиги аниқ. Бунга шу йилнинг 24 апрелида рўй берган фожиа сабаб.**

Воқеа шундай бошланган. МЧЖ буюртмачи ва айни пайтда пудратчи бўлган кўп қаватли турар жой биноси битай деб қолган. Мутасаддилар муҳандислик тармоқларини объектга улаш бўйича ишга киришди. Бунинг учун дастлаб Навоий кўчасидан ўтган тармоқнинг жойини аниқлаб олиш зарур деб топилади. Тўрақўрғон кўчаси билан кесишма яқинидаги жой хандақ қазиш учун танланади. Лекин бунинг учун маҳаллий ҳокимликдан рухсат олинмайди. “Сувоқава” корхонаси вакиллари ҳам хабардор этилмайди.

Кўп ўтмай тармоқни улашга мўлжалланган хандақ ҳам кавланади. Кейин аниқланишича, унинг узунлиги 5, эни 2, чуқурлиги 4 метр бўлган. Кутилмаганда хандақ емирилиб, кўчки ҳосил бўлади ва у икки ишчини босиб қолади. Ҳозирча бу техника хавфсизлигига риоя қилинмагани оқибати, деб тахмин қилинмоқда.

Зудлик билан вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасига хабар берилган. Воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар тупроқ остидан жабрланганларни чиқариб, тиббиёт ходимларига топширади. Бироқ уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган.

Аниқланишича, қурбонлар объект қурилишига жалб этилган ёлланма ишчилар экан. Ҳолат юзасидан суриштирув ишлари давом этмоқда. Албатта, фожианинг сабаблари аниқланади, тегишли чоралар кўрилади. Лекин икки инсонни ҳаётга қайтариб бўлмайди.

Гап шундаки, юқорида тилга олинган объект Навоий кўчасида қурилаётган ва расмий ҳужжатларда 1-сонли “Савдо шохобчаларини ўз ичига олган кўп қаватли турар жой” деб қайд этилган. Вилоят қурилиш соҳасида назорат инспекциясидан олинган маълумотда айтилишича, бу ерда аввал ҳам жуда кўп қоидабузарликлар аниқланган. Масалан, лойиҳа талабларини бузиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўп марта аниқланган. МЧЖ раҳбариятига бу ҳақда огоҳлантириш хатлари берилган. Лекин кўриниб турибдики, мутасадди шахслар тегишли хулосаларни чиқаришмаган.

Бинони тиклаш ҳам вилоят қурилиш соҳасидаги худудий назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказилмасдан бошланган. Тасдиқланган лойиҳа бўйича у саккиз қаватли бўлса-да, амалда тегишли келишувларсиз ўн қават қурилган.

Биринчи қаватдаги плиталарни монтаж қилишда лойиҳа талаби бузилган. Шунингдек, монолит темир-бетон зинапоялар ва майдончаларини қуришда бетонлаш ишлари сифатсиз бажарилган. Қоришма етарли зичланмагани сабабли юзаларида ғоваклик, чақиқ тош тўпланиш, армокаркасларнинг очилиб қолиши ҳолатлари мавжуд. Бундан ташқари, ионолит темир-бетон конструкцияларига лойиҳада белгиланган мустаҳкамлик даражаси бўйича қурилиш-синов лабораториясининг хулосаси олинмасдан, устки қисмидан кейинги ишларни давом эттиришга йўл қўйилган. Ишга ана шундай енгил-елпи муносабатда бўлиш оқибатида фожиа юз берди. Энди бунга ким жавоб беради?

# 654 та маҳалла кўрк очади

1-бет

Жумладан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига улардан 44 таси киритилди. Бунинг учун 237,2 миллиард сўм маблағлар йўналтириш режалаштирилган.

Шу пайтга қадар жойлардаги айрим маҳаллаларнинг идораси йўқ бўлиб, таъмирга муҳтожлари ҳам бор эди. Мазкур ҳолатларни инобатга олиб, бу борадаги камчиликлар ҳам тизимли асосда бартараф этиляпти. Бирин-кетин туман-шаҳарларда замонавий маҳалла бинолари фойдаланишга топширила бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, 2021-2022 йилларда Тошкент вилоятида 275 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуаларини ташкил этиш белгиланган. Айни вақтга қадар вилоят бўйича 28 та маҳалла комплекси қуриб фойдаланишга топширилди.

Ўрта Чирчиқ туманида 20 та маҳалла биноси давлат ижтимоий шериклиги асосида ва 4 та маҳалланинг янги биноси маҳаллий бюджетнинг орттирилган маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Нурафшон шаҳри Тошкент вилояти маъмурий марказига айлангани туфайли Ўрта Чирчиқ туман марказини ташкил этиш ва ижро этувчи ҳокимият органлари бўлим ва ташкилотларини кўчириш зарурияти юзага келган эди.

“Уйғур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 18 гектар ер майдони ажратилиб, унда туман марказини қуриш лойиҳаси тасдиқланди. Ўтган қисқа вақт мобайнида туманнинг бўлажак марказида ижтимоий соҳа объектлари замонавий ва миллий шаҳарсозлик режаси асосида қайта қурилди. Бундан ташқари, “Гулобод”, “Янги ҳаёт” ва “Саидовул-Бахт” каби МФЙларнинг идораси ҳам янги бинода иш бошлади.

Қибрай тумани 3-сектор ҳудудида жойлашган 2 минг 410 нафар аҳоли истиқомат қилиб келаётган “Бойжигит” маҳалла фуқаролари учун барча қулайликларга эга бўлган янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган маҳалла биносида келгусида аҳоли вакилларига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳудудларда 164 та маҳалла биноси қурилиши давом этмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш ва тадбиркорликка жалб қилиш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Бу борада ўз меҳнати туфайли юқори натижаларга эришаётган оилалар тажрибаси оммалаштириляпти. Ҳозир томорқачиликдан яхши даромад топаётганлар кўп. Бу борада Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан туман-шаҳарларда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, етиштирилган маҳсулотни сотиш билан боғлиқ амалий ёрдамлар кўрсатиляпти.

Дастлабки саъй-ҳаракатлар жойларда бошлаб ҳам юборилган. Ангрен шаҳридаги “Тараққиёт” МФЙ “Обод маҳалла” дастурига киритилган бўлиб, ҳудудни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, маҳалла ҳудудида шу кунларда ободонлаштириш ва коммуникация билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ангрен ШЕТК томонидан дастурга мувофиқ, мазкур маҳаллага жами 30 та темир-бетон таянчини ўрнатиш жараёни изчил давом этаяпти.

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашининг қарорига кўра, энг катта маҳаллалардан бўлган “Зарбулоқ” ва “Олмалиқсой” МФЙ ҳам жорий йил “Обод маҳалла” дастурига киритилган. Шу боис, маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, 4-сектор ҳудудида жойлашган “Зарбулоқ” МФЙнинг ички йўллари асфальтланиб, чироқлар ўрнатилиши, ҳудудга алоқа тармоғи тортиб келиниши режалаштириляпти. Бу ерда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларга ёрдам бериш, ёшларни иш билан таъминлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳам белгиланган. Бунинг учун маҳаллага шаҳардаги барча корхона-ташкилотлардан қўшимча куч ва воситалар жалб қилинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига қилган ташрифи давомида маҳаллаларнинг ижтимоий ҳолати, аҳолининг кайфиятига ҳам алоҳида эътибор қаратган эди. Вилоятда янги турар жойлар қуриш, эски уйларни қайта таъмирлаш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти, шаҳарларда коммунал хизматларни яхшилаш бўйича масъулларга зарур топшириқлар берган эди.

Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг қарори асосидаги саъй-ҳаракатлар ҳозир вилоятнинг барча ҳудудларида бошланган. Мақсад аҳолига қулайлик яратиш, «маҳаллабай» асосида ишни ташкил этиш, шу орқали аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммо ва камчиликларни ҳал этишдир.



## ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, ТЕХНИКУМЛАР, ҚУРИЛИШ ВА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2020-2021 ўқув йилида институтнинг битирувчи бакалавр ҳамда магистрларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида “Битирувчи-2021” тадбири ўтказишини эълон қилади. Институтни битирувчи бакалавр ҳамда магистрлар бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бакалавр ҳамда магистр даражасидаги мутахассисларга эҳтиёжи бор корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат қилишлари мумкин.

**БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Таълим йўналишлари номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича битирувчилар сони | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Наманган | Фарғона | Бухоро | Хоразм | Сурхондарё | Қашқадарё | Жиззах | Навоий | Самарқанд | Сирдарё | Тошкент | Тошкент шаҳар |
| 1. | Касб таълими: бино ва иншоотлар қурилиши | **28** | | | | | | | 2 | | | 3 | 23 | | | |
| 2. | Касб таълими: муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи | **13** | | | | | | | | 1 | | 1 | 11 | | | |
| 3. | Касб таълими: шаҳар қурилиши ва хўжалиги | **15** | | | | | | | | | | 2 | 13 | | | |
| 4. | Касб таълими: архитектура | **16** | | | | | | | | 2 | 1 | | 13 | | | |
| 5. | Дизайн (турлари бўйича) | **89** | | 1 | | 1 | | | | 1 | 4 | 2 | 80 | | | |
| 6. | Менежмент (тармоқлар ва йўналишлар бўйича) | **19** | | 1 | | | | 1 | | | | 3 | 14 | | | |
| 7. | Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича) | **150** | 1 | | | | 1 | | 6 | 10 | 4 | 10 | 116 | | 1 | 1 |
| 8. | Архитектура (турлари бўйича) | **90** | | 1 | | | 6 | 1 | 5 | 10 | 2 | 6 | 57 | 1 | | 1 |
| 9. | Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича) | **279** | | | | 1 | 5 | 2 | 25 | 38 | 8 | 23 | 170 | 3 | 2 | 2 |
| 10. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | **81** | | | | | | | 2 | 5 | 5 | 2 | 67 | | | |
| 11. | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) | **122** | | 1 | | | | 1 | 3 | 7 | 2 | 5 | 103 | | | |
| 12. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | **119** | | | | | | | 8 | 8 | 3 | 9 | 85 | 4 | 1 | 1 |
| 13. | Автомобиль йўллари ва аэродромлар | **107** | | | | | 3 | | 3 | 4 | 2 | 6 | 88 | | | 1 |
| 14. | Кўчмас мулк экпертизаси ва уни бошқариш | **138** | | | | | 1 | | 6 | 7 | 4 | 7 | 111 | | | 2 |
| 15. | Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш | **107** | | 3 | | 1 | 2 | 2 | 5 | 11 | 1 | 8 | 66 | 3 | 1 | 4 |
| 16. | Хизматлар соҳаси (турлари ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича) | 68 | | | | | | | 2 | 4 | 3 | 4 | 53 | 1 | 1 | |
| 17. | Ҳаётий фаолият хафсизлиги | **27** | | | | | 1 | | | | 2 | 1 | 22 | | 1 | |
| | **Жами** | **1468** | **1** | **7** | **0** | **3** | **19** | **7** | **67** | **108** | **41** | **92** | **1092** | **12** | **7** | **12** |

**БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича битирувчилар сони | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Наманган | Фарғона | Бухоро | Хоразм | Сурхондарё | Қашқадарё | Жиззах | Навоий | Самарқанд | Сирдарё | Тошкент | Тошкент шаҳар |
| 1. | Менежмент (тармоқлар ва йўналишлар бўйича) | **10** | | | | | | | | | | | 10 | | | |
| 2. | Геодезия ва картография | **11** | | | | | | | | 1 | 1 | | 9 | | | |
| 3. | Бино ва иншоотлар архитектураси | **9** | | | | | | 1 | | | 1 | | 7 | | | |
| 4. | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш | **8** | | | | | | 1 | | | 1 | | 6 | | | |
| 5. | Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш | **9** | | | | | | | | | 1 | | 8 | | | |
| 6. | Ландшафтлар архитектураси | **10** | | 1 | | | | | | | 1 | | 8 | | | |
| 7. | Бино ва иншоотлар қурилиши | **5** | | | | | | 1 | | | | | 4 | | | |
| 8. | Қурилиш конструкциялари, махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимлари монтажи | **6** | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 3 | | | |
| 9. | Қурилишни ташкил этиш технологияси | **5** | | | | | | | 1 | | 1 | | 3 | | | |
| 10. | Шаҳар транспорти хўжалиги ва алоқа йўллари | **7** | | | | | | 2 | | 1 | | | 4 | | | |
| 11. | Сув таъминоти, канализация сув ресурсларини мухофаза килиш ва улардан самарали фойдаланиш | 11 | | | | | | | | | | 1 | 10 | | | |
| 12. | Иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш | **7** | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | 4 | | | |
| 13. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | **7** | | | | | | | | 1 | | 1 | 5 | | | |
| 14. | Кўчмас мулкни баҳолаш ва уни бошқариш | **3** | | | | | | | | | | | 3 | | | |
| 15. | Оқова сувларни тозалаш ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш | **4** | | | | | | | | | | | 4 | | | |
| | **Жами** | **112** | **1** | **1** | **0** | **0** | **0** | **5** | **2** | **3** | **8** | **4** | **88** | **0** | **0** | **0** |

**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, Маркетинг хизмати бўлими. **Тел./факс:** 66-237-12-77. **E-mail:** samgasi.marketing@mail.ru **Веб-сайт:** Samgasi.uz

## БАРЧА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси

### қуйидаги объектларга техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш бўйича

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи | Қурилиш муддати | Лот Рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | А380 “Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 5-43 км ва 68-130 км қисмини реконструкция қилиш | 4 819 000 000 сўм ҚҚС билан | 180 кун | 7095960 |
| 2. | М39 “Алмати – Бишкек – Тошкент – Шаҳрисабз – Термиз” автомобиль йўлининг 1255-1315 қисмини реконструкция қилиш | 3 000 000 000 сўм ҚҚС билан | 180 кун | 7095965 |

**Буюртмачи:** “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Объектларга Техник-иқтисодий асосини (ТИА) ишлаб чиқиш бўйича **www.dxarid.uz махсус** ахборот порталида тендер эълон қилинган.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари лозим:** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-“а” уй.

**Тел.:** 71-244-07-65.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан (Абай кўчаси, 6-“а” уй, 703-хона) www.xarid.uz махсус ахборот порталида кўрсатилган вақтга қадар қабул қилинади.**

**Таклифларни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 68-уй.

## Масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компанияси

## «O‘zbekinvest Hayot»

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензияси 2021 йил 1 февралдаги Серия СФ № 00012 2019 йил, 4 июлдаги рўйхатдан ўтиш рақами 9, реестр 1467* ***Манзил:*** *100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 36.*

**2020 йил 31 декабрь ҳолатига БАЛАНС** *(минг сўм)*

| Активлар | |
|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | 28 864 342 |
| Пул маблағлари | 3 038 589 |
| Қисқа муддатли инвестициялар | 46 613 488 |
| Дебитор қарздорликлар | 3 962 336 |
| Бошқа активлар | 3 065 941 |
| **Баланс активи бўйича жами:** | 85 544 696 |

| Пассивлар | |
|---|---|
| Устав капитали | 16 883 113 |
| Захира капитали | 632 804 |
| Суғурта захиралари | 63 973 684 |
| Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши | 142 355 |
| Ҳисоб-китоблар | 3 389 036 |
| Тақсимланмаган фойда | 808 413 |
| **Баланс пассиви бўйича жами:** | **85 544 696** |

**2020 йил учун молиявий натижалар бўйича ҳисобот** *(минг сўм)*

| | |
|---|---|
| Суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум | 83 838 275 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 13 775 720 |
| Суғурта тўловлари | 86 758 115 |
| Харажатлар жами | 95 650 452 |
| Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) | 1 963 543 |
| Фойда солиғи | 155 130 |
| **Ҳисобот даврнинг сой фойдаси (зарари)** | **1 808 413** |

Компаниянинг 2020 йилги тўлиқ ҳисоботи билан www.uzhayot.uz веб-сайт орқали танишиш мумкин.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги МЧЖ “Nazorat-audit” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланди (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2019 yil 11 apreldagi AF 008611-sonli litsenziyasi).

Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази **“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси**нинг 2021 йил 16 апрелдаги 29-сонида чоп этилган 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари тўғрисидаги эълонда тадбиркорлар томонидан таклифларни топшириш муддати **2021 йил 30 апрель соат 18.00 гача узайтирилганини** маълум қилади.

## “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Asakabank” АЖ Нурафшон филиалининг 2021 йил 26 апрелдаги 4/922-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, “Олтин водий” МФЙ, Саноат майдони, Какир манзилида жойлашган, **давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони** – 16 967 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 1 646,57 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 8 821,2 квадрат метр, **яшаш майдони** – 1 646,57 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жой бино-иншооти. **Бошланғич баҳоси** – 10 368 442 000 сўм.

2. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси, 159-уй манзилида жойлашган, **давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони** – 10 313,3 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 1 509,63 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1 756,37 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жой бино-иншооти. **Бошланғич баҳоси** – 8 891 707 000 сўм.

3. Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, “Янгиобод” МФЙ, Янгиобод қишлоғи манзилида жойлашган, **давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони** – 8 200 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 2 530,86 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 5 299,6 квадрат метр, **яшаш майдони** – 2 067,30 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жой бино-иншооти. **Бошланғич баҳоси** – 3 647 536 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Қизғалдоқ” ҚФЙ, “Қизғалдоқ” МФЙ, Сойлик кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган, **давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони** – 285 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 77,83 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 219,29 квадрат метр, **яшаш майдони** – 54,23 квадрат метрдан иборат бўлган турар, якка тартибдаги уй-жой. **Бошланғич баҳоси** – 655 350 000 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 31 май куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 28 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги кўчмас мулкларнинг аукцион савдолари 2021 йил 31 май куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдо 2021 йил 15 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб** ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш 11 июнь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдо якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

**Аукцион савдода қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001, “Давр Банк” ХАТБ Амалиёт бошқармаси, МФО 01121, СТИР 308 112 732.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон/факс:** 71 237-23-86.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Республика аэрогеодезия маркази”нинг 2021 йил 23 апрелдаги 01-04-255-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқабод кўчаси, 8-уй манзилида сақланаётган 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 891 ОАА бўлган “Дамас” русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 5 007 000 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 28 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 26 май куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги асосий восита 2021 йил 28 май куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 14, 30 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “Tashkredit” МЧЖнинг 2021 йил 23 апрелдаги 48-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорасининг 2021 йил 2 апрелдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 5900 | Кольцо 1 шт. с дефектом о.в. 5.62 гр. ч.в. 4.50 гр. 583 | 1 166 932,50 |
| 2. | 6064 | Кольцо 1 шт., цепь с дефектом 1 шт. о.в. 6.95 гр. ч.в. 6.80 гр. 583 | 1 766 418,00 |
| 3. | 6172 | Кольцо 1 шт. о.в. 2.15 гр. ч.в. 1.80 гр. 583 | 515 280,50 |
| 4. | 6347 | Браслет 1 шт. о.в. 3.29 гр. ч.в. 3.29 гр. 583 | 800 050,00 |
| 5. | 6372 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.85 гр. ч.в. 1.85 гр. 583 | 512 099,00 |
| 6. | 6453 | Колье 1 шт., браслет с дефектом 1 шт., кольца с дефектом 2 шт. о.в. 63.14 гр. ч.в. 60.00 гр. 583 | 14 336 878,00 |
| 7. | 6471 | Серьги 1 пара о.в. 5.48 гр. ч.в. 4.30 гр. 583 | 1 147 490,00 |
| 8. | 6509 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.31 гр. ч.в. 1.31 гр. 583 | 296 060,00 |
| 9. | 6536 | Кольца 2 шт. с дефектом о.в. 4.39 гр. ч.в. 3.00 гр. 583 | 582 395,00 |
| 10. | 6627 | Цепь 1 шт. о.в. 13.76 гр. ч.в. 13.76 гр. 583 | 3 686 024,00 |
| 11. | 6671 | Кольцо 1 шт. с дефектом о.в. 3.08 гр. ч.в. 3.08 гр. 583 | 815 927,20 |
| 12. | 6703 | Цепь 1 шт. о.в. 10.17 гр. ч.в. 10.17 гр. 583 | 2 685 417,00 |
| 13. | 6737 | Серьги 1 пара о.в. 2.43 гр. ч.в. 2.00 гр. 585 | 544 580,60 |
| 14. | 6795 | Кольцо и серьги 1 комп., кольца с дефектом 2 шт. о.в. 7.19 гр. ч.в. 5.70 гр. 583 | 1 479 982,00 |
| 15. | 6798 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.82 гр. ч.в. 1.82 гр. 583 | 501 494,00 |
| 16. | 6902 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 7.17 гр. ч.в. 7.17 гр. 583 | 1 887 062,50 |
| 17. | 6924 | Кольцо 1 шт. о.в. 5.70 гр. ч.в. 4.90 гр. 583 | 1 262 125,00 |
| 18. | 6961 | Кольцо 1 шт. с дефектом о.в. 4.39 гр. ч.в. 4.39 гр. 583 | 1 162 397,60 |
| 19. | 7032 | Кольцо 1 шт. о.в. 4.06 гр. ч.в. 3.70 гр. 583 | 978 012,00 |
| 20. | 7043 | Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 5.13 гр. ч.в. 4.80 гр. 583 | 1 253 944,00 |
| 21. | 7145 | Серьги 2 пары о.в. 7.85 гр. ч.в. 6.00 гр. 583 | 1 523 210,00 |
| 22. | 7210 | Браслет с дефектом 1 шт. о.в. 6.48 гр. ч.в. 6.48 гр. 750 | 2 200 314,00 |
| 23. | 7237 | Цепь 1 шт. о.в. 8.06 гр. ч.в. 8.06 гр. 583 | 2 063 560,00 |
| 24. | 7242 | Кольца 2 шт. с дефектом, серьги 1 пара о.в. 7.19 гр. ч.в. 5.79 гр. 583 | 1 513 211,00 |
| 25. | 7289 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 10.39 гр. ч.в. 10.39 гр. 585 | 2 735 210,00 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 26. | 7343 | Серьги 1 пара о.в. 2.70 гр. ч.в. 2.70 гр. 585 | 689 960,00 |
| 27. | 7385 | Кольцо 1 шт. с дефектом о.в. 1.27 гр. ч.в. 1.20 гр. 583 | 323 299,70 |
| 28. | 7399 | Серьги 1 пара о.в. 3.10 гр. ч.в. 2.00 гр. 583 | 526 158,20 |
| 29. | 7412 | Кольцо 1 шт. о.в. 2.12 гр. ч.в. 2.12 гр. 583 | 515 634,00 |
| 30. | 7567 | Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 3.50 гр. ч.в. 2.60 гр. 585 | 681 960,80 |
| 31. | 7573 | Кулоны 2 шт. о.в. 2.56 гр. ч.в. 2.56 гр. 750; серьги 3 пары о.в. 8.23 гр. ч.в. 7.50 гр. 585 | 2 486 144,00 |
| 32. | 7574 | Кольцо и серьги 2 комп., кулоны 2 шт., кулон с дефектом 1 шт., серьги 1 пара, браслеты 5 шт., браслет с дефектом 1 шт., цепи 2 шт., цепь с дефектом 1 шт., кольца с дефектом 7 шт. о.в. 61.61 гр. ч.в. 55.80 гр. 585 | 13 706 234,00 |
| 33. | 7595 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.01 гр. ч.в. 1.01 гр. 750 | 345 802,50 |
| 34. | 7705 | Кольцо 1 шт. о.в. 3.14 гр. ч.в. 3.14 гр. 583 | 807 322,00 |
| 35. | 7718 | Серьги 1 пара с дефектом о.в. 2.71 гр. ч.в. 2.20 гр. 583 | 608 554,00 |
| 36. | 7721 | Кольца 2 шт. о.в. 5.32 гр. ч.в. 4.70 гр. 583 | 1 271 114,00 |
| 37. | 7890 | Серьги 1 пара о.в. 2.69 гр. ч.в. 2.69 гр. 583 | 734 400,00 |
| 38. | 7930 | Браслет 1 шт. с дефектом о.в. 4.74 гр. ч.в. 4.00 гр. 585 | 863 730,50 |
| 39. | 7984 | Цепь 1 шт. с дефектом о.в. 1.41 гр. ч.в. 1.41 гр. 583 | 372 820,00 |
| 40. | 8025 | Браслет 1 шт., кольца 4 шт., серьги 1 пара о.в. 51.51 гр. ч.в. 43.00 гр. 583 | 12 529 786,00 |
| 41. | 8026 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.40 гр. ч.в. 1.40 гр. 583 | 403 423,00 |
| 42. | 8179 | Кольцо 1 шт. о.в. 2.69 гр. ч.в. 2.69 гр. 583 | 787 324,00 |
| 43. | 8227 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 5.03 гр. ч.в. 4.80 гр. 585 | 1 365 448,00 |
| 44. | 8250 | Кольцо 1 шт. о.в. 2.70 гр. ч.в. 2.50 гр. 583 | 616 543,10 |
| 45. | 8531 | Браслет 1 шт. с дефектом о.в. 2.61 гр. ч.в. 2.61 гр. 583 | 644 510,00 |
| 46. | 8565 | Кольцо 1 шт. о.в. 2.30 гр. ч.в. 2.00 гр. 583 | 515 634,00 |
| 47. | 8618 | Кольцо 1 шт., браслет с дефектом 1 шт. о.в. 10.30 гр. ч.в. 10.30 гр. 583 | 2 620 748,72 |
| 48. | 8709 | Кольцо 1 шт. о.в. 3.80 гр. ч.в. 3.60 гр. 583 | 922 119,41 |
| 49. | 8817 | Цепь 1 шт. о.в. 8.13 гр. ч.в. 8.13 гр. 583 | 2 411 544,59 |
| 50. | 8955 | Серьги 1 пара о.в. 3.92 гр. ч.в. 3.92 гр. 750; кольцо 1 шт. о.в. 3.92 гр. ч.в. 3.70 гр. 583 | 1 493 718,00 |
| 51. | 8986 | Серьги 2 пары о.в. 6.77 гр. ч.в. 5.60 гр. 583 | 1 726 119,00 |
| 52. | 9050 | Браслеты 2 шт., кольцо 1 шт., кольцо и серьги 1 комп о.в. 29.74 гр. ч.в. 28.90 гр. 585 | 8 866 171,79 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 53. | 9362 | Серьги 1 пара о.в. 3.69 гр. ч.в. 2.70 гр. 583 | 870 733,84 |
| 54. | 9501 | Серьги 1 пара с дефектом о.в. 4.25 гр. ч.в. 4.25 гр. 583 | 1 029 583,41 |
| 55. | 9695 | Кольцо 1 шт. о.в. 1.81 гр. ч.в. 1.80 гр. 583 | 454 775,44 |
| 56. | 9729 | Кольцо 1 шт., кольцо и серьги 1 комп. о.в. 10.39 гр. ч.в. 8.50 гр. 583 | 3 726 424,00 |
| 57. | 9907 | Браслет 1 шт., серьги 1 пара о.в. 7.27 гр. ч.в. 6.60 гр. 583 | 2 264 024,80 |
| 58. | 9933 | Кольца 2 шт. о.в. 5.90 гр. ч.в. 5.40 гр. 583 | 1 970 384,67 |
| 59. | 9982 | Кольцо 1 шт. с дефектом о.в. 3.24 гр. ч.в. 2.80 гр. 583 | 1 070 148,24 |
| 60. | 10213 | Серьги 1 пара о.в. 1.51 гр. ч.в. 1.51 гр. 583 | 572 800,00 |
| 61. | 10384 | Кольцо 1 шт. о.в. 4.05 гр. ч.в. 2.50 гр. 583 | 997 000,00 |
| 62. | 10499 | Серьги 1 пара о.в. 1.43 гр. ч.в. 1.30 гр. 583 | 466 750,00 |
| 63. | 10543 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 1.95 гр. ч.в. 1.95 гр. 583 | 739 450,00 |
| 64. | 10567 | Кольцо с дефектом 1 шт. о.в. 2.18 гр. ч.в. 1.40 гр. 583 | 542 500,00 |
| 65. | 10618 | Браслет 1 шт., кольца 3 шт. о.в. 20.79 гр. ч.в. 19.80 гр. 583 | 7 587 250,00 |
| 66. | 10700 | Кольцо и серьги 1 комп. о.в. 5.85 гр. ч.в. 3.60 гр. 583 | 1 042 450,00 |
| 67. | 10707 | Колье 1 шт., браслет 1 шт. о.в. 28.93 гр. ч.в. 18.10 гр. 585 | 5 314 750,00 |
| **Жами бошланғич баҳоси:** | | | **134 901 321,61** |

Аукцион савдолар **2021 йил 27 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 25 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2021 йил 27 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 10 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 8 июнь куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002, МФО 01069, СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Етти пир зиёратгоҳи чорлайди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.




Қадим Бухоро ўз бағрида минглаб олиму фузалолар, авлиёлару алломаларни улғайтирган муқаддас маскандир. Бу заминдан етишиб чиққан аждодларимизни бугунги кунда бутун дунё танийди, тан олади. Алломалар ватани бўлмиш шариф шаҳар табаррук масканлару зиёратгоҳларга ҳам бойлиги билан ажралиб туради. Ана шундай муқаддас масканлардан бири – Етти пир номини олган зиёратгоҳдир.

Хожагония тариқатининг етти улуғ пири мангу қўним топган қадамжоларни зиёрат қилиш ҳар бир мусулмоннинг орзуси. Ислом маърифий оламида пирлар, мўътабар фозиллар кўп ўтган. Аммо Хожагония-Нақшбандия тариқатининг асрлар силсиласида юксак обрў ва эътибор қозониши боиси шундаки, у инсонни ҳамиша яратувчиликка, меҳнатга, ҳалол ризқ топишга ундайди. Ҳар қандай зуҳд ё тарки дунёчиликдан фарқли ўлароқ, "Дил ба ёру даст ба кор", яъни "Қўлинг меҳнатда, қалбинг Аллоҳда бўлсин" ақидаси жамиятнинг барча қатлами учун бирдек аҳамиятга эгадир.

Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташрифи давомида Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида берган топшириқлари бўйича Етти пир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, зиёратгоҳларни асл меъморий анъаналар асосида қайта тиклаш, ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган чет эллик олимлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, ислом илм-фани ва маданияти ривожига мислсиз ҳисса қўшган аллома аждодларимиз меросини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирлардан иборат "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа тасаввуф алломалари асарларини тадқиқ этиш, каталоглар, китоблар, журнал ва маърифий нашрлар чоп этиш, етти пир зиёратгоҳларини илмий асосланган, тарихий анъаналарга мос ҳолда қайта тиклаш, зиёратгоҳлар жойлашган маршрут бўйлаб ҳар бир алломанинг ҳаёти, илмий мероси, комил инсон тарбиясига оид ҳикматли сўзлари, ибратли панду насиҳатларини акс эттирувчи махсус лавҳалар жойлаштириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, маршрут бўйлаб манзарали дарахтлар экиш, дам олиш жойлари барпо этиш, ҳар бир масканда зиёратчиларга ибодат ва маросимларни амалга оширишлари учун қулай шароитлар яратиш, Марказий Осиё тасаввуф уламолари илмий меросини тадқиқ этган хорижлик олим ва мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиб, илмий семинарлар ташкил қилиш каби ишлар ҳам кўзда тутилганди.

Ўтган йилнинг 22 август кунидан бошлаб эса Бухоро шаҳри, Газли шоссеси йўли ёқасида жойлашган "Шарқ" бош бекатидан "Бухоро шаҳри – Етти пир зиёратгоҳлари" йўналишида транспорт қатнови йўлга қўйилди. Бу қатнов Президентимизнинг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида ана шу йўналишда транспорт қатновини йўлга қўйиш тўғрисида берилган топшириқ ижросини таъминлаш, ҳудуднинг туризм соҳасини янада ривожлантириш ҳамда сайёҳлар ва аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида вилоят транспорт бошқармаси томонидан йўлга қўйилди. Эндиликда умумий узунлиги 120 километр бўлган ушбу мажмуалар ягона сайёҳлик маршрути орқали туташмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига мувофиқ, Етти пир зиёратгоҳлари мажмуаларини реконструкция қилиш ва янги сайёҳлик йўналишини очиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Зиёратгоҳлар атрофи, уларга олиб борадиган йўллар ободонлаштирилиб, таъмирланди. Мазкур зиёратгоҳлардаги бунёдкорликлар улуғ алломаларимиз меросини жаҳонга тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида ягона концепция асосида олиб борилгани айни ҳақиқат. Зиёратгоҳлар атрофи ўралиб, таҳоратхона, масжид, музей, меҳмонхона, чойхона, автомобиллар тўхташ жойлари, эсдалик буюмлар ва китоб савдо расталари барпо этилиб, ҳудуд тўлиқ ободонлаштирилди.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Биринчи пир Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 1103 йили туғилгани ва еттинчи пир Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг 1389 йили вафот этганини ҳисобга олсак, Бухоро вилоятида қарийб икки ярим аср мобайнида хожагон тариқати изчил, узлуксиз такомиллашиб боргани маълум бўлади. Бу тасаввуф тарихининг "олтин даври" ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айнан нақшбандия тариқатининг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача келган ҳалқаси тарихий манбаларда "силсилат уз-заҳаб", яъни "олтин силсила" деб юритилади.

Муборак рамазон ойи муносабати билан газетамизда етти пирлар ҳақида маълумотлар бериб боришни режалаштирдик. Қуйида уйлардан биринчиси билан танишинг.

# Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (Хожайи Жаҳон)

Тўлиқ исми Хожа Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний (1103-1179) бўлиб, у тасаввуф тарихидаги йирик назариётчилардан бири, хожагон тариқатининг асосчисидир. Кейинчалик "Хожайи Жаҳон" ("Жаҳоннинг Хожаси") тахаллуси билан ном қозонган. Ҳозиргача маҳаллий аҳоли ўртасида Ғиждувон улуғ шайх ҳаққи-ҳурматига Хожайи Жаҳон деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида номаълум муаллифнинг Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таржимаи ҳолига бағишлаб ёзилган "Зикри воқеоти Хожайи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний" асарининг 1717 йили кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Ушбу асарда маълумот берилишича, Абдухолиқ 9 ёшида Қуръони каримни ёд олган. 10 ёшидан бошлаб дарвешлар ўтказадиган зикр маросимларида фаол иштирок этиб, бухоролик устози Имом Садриддиндан Қуръони каримни тафсир қилиш илмини ўрганади. 22 ёшида Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид тушади.

Умрини тасаввуф йўлидаги хизматга бағишлаган Хожайи Жаҳон тасаввуф назарияси ва амалиётига бағишланган 5 та асар битди, руҳини камол топтириб, юксак даражага етишди. У Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар тарафлама бойитиб, тасаввуф амалиётига хуфия зикрни олиб кирган. Хожа Юсуф Ҳамадоний жорий этган зикр маҳали амал қилинадиган 4 та қоида, яъни рашҳа ("Ҳуш дар дам", Назар бар қадам", "Сафар дар ватан", "Хилват дар анжуман")га яна 4 та рашҳа ("Ёдкард", "Бозгашт", "Нигоҳдошт", "Ёддошт")ни қўшиб, 8 тага етказди. Шу тариқа у амалий жиҳатдан янги хожагон тариқатини бошлаб, уни назарий жиҳатдан асослаб берди. Сўнгра, тариқатга раҳнамолик қилишни ўзининг муриди Хожа Ориф Ревгарий – Моҳитобонга топширди. Шу тариқа Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Бухоро вилоятидаги 7 пир рўйхатининг сарҳалқаси (бош ҳалқаси) бўлиб қолди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Хожа Баҳоуддин Нақшбанд учун ўзи дохил бўлган ва янада такомиллаштирган хожагон тариқатининг сарҳалқаси ҳамда уни бевосита руҳан тарбиялаган увайсий пир ҳисобланади. Гарчи Муҳаммад пайғамбардан бошланган олтин силсилада Абдулхолиқ Ғиждувоний 10-ҳалқа ҳисобланса ҳам, хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси, яъни, биринчи пир сифатида ҳурмат-эҳтиромга эга бўлди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унга кўра 2003 йил 27 ноябрда Бухорода тасаввуф илмининг йирик намояндаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг қутлуғ санаси ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилди. Ғиждувонда унинг мақбарасининг мажмуаси, мақбара ёнида 1 500 кишини сиғдира оладиган янги жомеъ масжиди қурилди. Масжид ва мажмуа атрофида 4 гектарли кўркам хиёбон барпо этилди. Музей ташкил қилиниб, ундан XV-XX асрга мансуб экспонатлар жой олди.










Етти пир ҳақида ҳозирча энг бой ва ишончли манба – Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомийнинг авлиёлар ҳақидаги "Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс" тазкираларидан таржима қилиб ва қўшимчалар қўшиб яратган "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ал-футувват" тазкирасидир. Бу тазкирада Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида жуда ажиб каромату ҳолатлар баён этилади.

Навоийнинг далолат беришича, Хизр пайғамбар Ғиждувонийга ҳовуз сувига шўнғиб, кўнгилда "Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур-расулуллоҳ" деб зикр айтишни буюрганлар. Умуман, авлиёлик ҳолатларини халқдан яшириб юриш ва уни оммага ошкор қилмаслик Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг камтарона усули эди. Ҳолбуки, валилик мақоми у зотда шу даражага етган эдики, Навоийнинг далолат қилиб ёзишича, ҳар намозни Каъбага бориб ўқиб келар экан.

Бир умидвор киши Хожадан: "Бизни шундай дуо қилингки, Шайтон домидан эсон-омон жон сақлайлик", деб илтимос қилади. Оддий бир дуохон бўлса: "Кел, мендан нима кетди, дуо қилсам, қилибман-да", деб дуо бериб юборaверар экан. Аммо Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний унга нима дедилар денг? "Киши фарзларни адо этсагина унинг дуоси ижобат бўлади. Сен фарз адоси билан машғул бўл ва бизни яхши дуолар билан эсга ол. Биз ҳам фарзлар адосидан кейин сени дуо қилайлик. Шунда ҳам сенинг, ҳам бизнинг дуомиз ижобат бўлғай", дедилар.

Танишинг, янги рукн!

## Сўраган экансиз

Таҳририятимизга турли соҳада меҳнат қилаётган фуқаролардан, айниқса, қурилиш ташкилотларида ишлаётган ва шу соҳада тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлганлар, шунингдек, бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган ёки вақтинчалик шу мақомни олган кишилардан ҳуқуқий маслаҳатлар сўралган жуда кўплаб хатлар келмоқда.

Газетхонларимизнинг илтимоси ҳамда сўровларини инобатга олиб, бундан буён тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда "Сўраган экансиз" рукни остида таҳририятимизга келган саволларга жавоб бериб борамиз.

## Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқи қандай?



***"Қурилиш ташкилотларида ишлаб, кўплаб иншоотларни бунёд этишда қатнашганман. Бахтсиз ҳолат туфайли соғлигимдан айрилиб қолдим. Алоҳида анатомик нуқсон, яъни травматик амутация ва мажақланиш ортидан муддатидан олдин нафақага чиқмоқчиман. Бунинг тартиби қандай, шу тўғрисида маълумот берсангиз?***

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**
**Булунғур туманидаги "Катта қишлоқ" МФЙ".**

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5270-сонли Фармонида ногиронликни белгилаш механизмлари ва унинг муддатларини, шу жумладан, ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб, тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш, ногиронликни белгилаш тизимига яққол белгилари бўлган арз қилувчини ногиронлик белгилангунга қадар қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш, бунда унинг ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш мажбуриятини бекор қилиш, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни истисно этган ҳолда, зарур тартиб-таомиллардан ўтишнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш тартибини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш юзасидан тегишли топшириқлар берилган. Бу Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда ишчи гуруҳи тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қарор лойиҳасида муддатидан олдин юбориладиган ногиронлик аломатлари аниқ намоён бўлган касалликлар, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратлари рўйхати ишлаб чиқилган бўлиб, унга анатомик нуқсонлар, яъни қўл, оёғи ампутация қилинганлар, болаликдан туғма ногиронлар, даун касаллигига чалинганлар, кар-гунглар ва бошқа касалликлар киритилди.

Шахс тиббий-ижтимоий экспертизага давлат тиббиёт муассасаси томонидан юборилади. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотлари ногиронлиги белгилари аниқ кўриниб турган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувларни ўтказмасдан туриб, тиббий-ижтимоий экспертизага юборишга ҳақли.

Агар шахс соғлигининг ҳолатига кўра, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бориш имконига эга бўлмаса ва бу тиббиёт муассасасининг хулосаси билан тасдиқланса, тиббий-ижтимоий экспертиза уйда ёки шахс даволанишда бўлган стационарда ўтказилиши мумкин.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг мажлисларида маҳаллий меҳнат, давлат ҳокимияти органларининг, касаба уюшмаларининг, суғурта вакиллари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

**Шуҳрат АББАСОВ,**
**Самарқанд вилояти бош тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси раиси.**

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Архитектура ва қурилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Жахонгир Анваров,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бошқарма бошлиғи **Тўлқин Хайруллаев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Акбаржон Абдуллаев,**

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани қурилиш бўлими Давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассис **Аброр Холбўтаев,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Абдувосит Пўлатов,**

Хоразм вилояти қурилиш бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Сафарбой Отажонов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 00.35. Топширилди – 01.15. 1 2 3 4 5 6